



Подшо Россияси Туркистон ўлкасини босиб олгач, жахоннинг энг йирик мустамлакачи давлатига айланди. Европада Россияга нисбатан «улкан микдордаги мулк ўгриси» деган кинояли ибора ишлатила бошланди. Европа ва Осиёнинг бир қисмини ўз ичига олган бу империя бошқа мустамлакачи давлатлардан фаркли равишда ўзига хос мустамлакачилик тизимини юзага келтирди. Бундай зўравонлик ва зулмга асосланган мустамлакачилик тизими Туркистонда кенг кўламда амалга оширила бошланди. Бу сиёсат маҳаллий халқларга мутлако ишонмаслик, уларни назарга илмаслик каби ўта миллатчилик руҳидаги сиёсат асосига қурилган эди.

Туркистонда бошқарув тизими бутунлай ҳарбийлаштирилган ҳокимият ихтиёрига тўлалигича топширилган бўлиб, уларнинг кўлида чекланмаган ва ҳеч қандай инсоний ҳуқуқларни тан олмайдиган ҳокимият тизими шакиллантирилган эди. «Бу жойда бизнинг умумий душманимиз-мусулмонлик ва ёввойилиқдир» - дея ҳарбий вазир Милютинга мактуб йўллаган генерал Кауфман 1868 йил 22 январда Тошкент жамоатчилиги вакиллари олдида сўзлаган нутқида русларни Туркистон аҳолисининг катта оғалари деган фикрни илгари сурди.

Маҳаллий маслаҳатчи Ф.Гирс бошчилигидаги Дашт Комиссияси (1865-1867) Туркистон ўлкасида қандай бошқарув тизими ўрнатиш лозимлиги ҳақида бир қанча таклифларни подшога баён қилди. Подшо Александр II бу лойиҳаларни «Ўрта Осиёдаги мулкларни ўзлаштириш бўйича Махсус кўмита» диккатга ҳавола қилди. Бундаги амалдорлар Туркистон аҳолисига ўта паст назар билан қараб, ўлка аҳолисини «ёввойилик ва қолоқликда» айбситиб, бошқарувнинг факатгина марказлаштирилган ҳарбий ҳокимияти жорий этилиши зарур деган ҳулосага келдилар. Бу ҳокимият расман «ҳарбий халқ бошқаруви» деб номланган бўлсада, амалда тўлалигича ҳарбийлар кўлида эди.

1867 йилда ҳарбий вазир Милютин Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Вактли Низом лойиҳасини подшолик вазирлар кўмитаси тақдим этди ва бу кўмита томонидан тасдиқланган ушбу лойиҳа қонун сифатида қучга киритилди. Бунга кўра марказий фуқаролик ва ҳарбий бошқарув тизими тўлалигича генерал губернатор кўлига топширилди. У айтиш вақтининг ўзида туркистон ҳарбий округи бош кўмондони ҳам эди. Марказий давлат бошқарувидан бошқарувнинг энг қуйи поғоналаригача ҳокимият ҳарбий кўлига топширилди. Бу бошқарув тизими Туркистон ўлкаси ва аҳолисини ҳар томонлама мустамлакачилик сирмоғига солиш билан машғул бўлди ва айрим ўзгаришлар билан 1917 йилга қадар давом этди.

Туркистон генерал-губернаторлигида жорий қилинган бошқарув усули маҳаллий аҳоли устидан тўла назорат қилиш имконини бера оладиган тарзда қилиб ташкил этилган эди.

Марказий ўлка бошқаруви генерал губернатори, унинг Кенгаши ва маҳкамасидан иборат бўлган.

Туркистон генерал губернатори ўз қўлида харбий ва фуқаролик ҳокимиятини бирлаштирган эди. Айти вақтнинг ўзида у подшо ноиб, харбий округ қўшинлари қўмондони, Еттисув казак қўшинлари қўмондони, бош миршаб ва бош прокурор вазифаларини ҳам ўз қўлида бирлаштирган эди.

Туркистон генерал губернатори Россияга вассал ҳисобланган Бухоро амирлигини Россия император сиёсий агентлиги (1885-1917) ва Хива хонлигини Амударё бўлими (1873-1918) бошликлари орқали назорат қилинган.

Ўлка бошқарувининг энг долзарб масалалари генерал губернаторлик кенгаши томонидан ҳал этилган. Бу кенгаш ўз таркибига харбий гувернатор, суд палатаси раиси, прокурор, округ штаби бошлиги, генерал губернатор ёрдамчисини киритган эди.

Шунингдек, марказий бошқарувда тўрт маҳкамадан иборат генерал губернатор маҳкамасининг ҳам ўрни катта бўлган. Биринчи бўлим маъмурий ва назорат ишларини, иккинчи бўлим бош бошқарманинг молиявий хўжалик ишларини, учинчи бўлим солиқлар, шаҳарлар маблағлари ва бошқарувга доир лойиҳалар тайёрлаш ишларини назорат қилган бўлса, тўртинчи бўлим махсус бўлим бўлган. Бу бўлим 1886 йилгача фаолият юритган ва харбий ҳамда адлия вазирликлари қўрсатмаларига ҳам амал қилмаган.

Генерал губернаторнинг дипломатия идораси Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Афғонистон ва Қошғар билан муносабатларини мувофиқлаштириш ишлари билан шуғулланган. Генерал губернатор маҳкамаси ихтиёрида Туркистон оммавий кутубхонаси, Тошкент музейи, марказий архив, «Туркестанские ведомости» ва «Туркистон вилоятининг газети» газеталари ва босмахона ҳам бўлган.

Туркистон ўлкаси марказий бош бошқармасида генерал губернаторга бўйсунмайдиган адлия, молия, зироат ва давлат мулклари вазирликларига қарашли идоралар ҳам бўлган ва улар тўғридан-тўғри подшога бўйсунган.

Туркистон генерал губернаторлиги бешта вилоятдан иборат бўлиб, улар Сирдарё, Фарғона, Самарканд, Еттисув ва Каспийорти вилоятлари эди. Вилоятлар подшо томонидан тайинланган харбий губернаторлар ихтиёрида бўлган. Бир вақтнинг ўзида улар вилоят харбий қўшинлари қўмондони вазифасини ҳам бажарганлар. Вилоятдаги маъмурий, полиция ва суд ҳокимиятлари ҳам харбий губернаторларга бўйсунган. Вилоятлар ўз навбатида уездларга бўлиб бошқарилган. Уездлар уезд бошликлари томонидан идора этилган. Сирдарё вилояти Тошкент, Авлиёота, Қазалинск, Перовск, Чимкент: Фарғона вилояти Марғилон, Андижон, Ўш, Қўқон, Наманган: Самарканд вилояти Жиззах, Хўжанд, Самарканд: Еттисув вилояти Верний, Қопал, Лерсин, Пишпак, Пржевальск: Каспийорти вилояти Ашхобод, Қрасноводск, Мангишлок, Марв, Тажан, уездларига бўлинган.

Уездлар участкаларга бўлиб идора қилинган. Участкалар эса ўз навбатида маҳаллий маъмурий амалдорлар бошқарадиган маъмурий ҳудудларга бўлинган.

Мустамлакачи суд ҳокимияти Туркистонда империянинг мустамлака сиёсатини амалга оширишда асосий таянч маъмурий ва мажбурий қилувчи ҳокимият бўлини бўлган.

Туркистондаги мустамлакачи суд ҳокимияти чекланмаган катта ваколатларга эга бўлган.

Бош миршаб ва бош прокурор вазифаларини генерал-губернаторнинг ўзи бажарган. Маъмурий бошқарувнинг ҳар бир бўлини бошлиги ўз қўлларида суд ишлари ва миршаблик ишлари бўйича ҳам катта ваколатларга эга бўлганлар.

Туркистон шаҳарларида полицмейстер лавозими жорий этилган бўлса, Тошкентда янги ва эски шаҳарларда алоҳида полицмейстерлар иш олиб борганлар. Уларга полиция приставлари бўйсунган ва кўп сонли миршаблар ҳам уларнинг измида бўлган. Туркистонда суд ҳокимияти икки хил - империя судлари ва халқ судларидан иборат бўлган.

Империя судлари империя конунлари асосида фаолият юритган бўлса, халқ судлари шариат конун-қоидалари асосида фаолият юритган.

Судлар, туман судлари, суд палатаси ҳуқуқидаги вилоятлар бошқармалари, мировой судлар қурултойлари ва ҳарбий судлардан иборат бўлган. Давлатга қарши жиноятлар ва бошқа турдаги сиёсий жиноятлар, давлат мулкани ўғирлаш ва талон-тароҷ этиш ва бошқа шу қаби жиноятлар империя судлари томонидан қўриб чиқилган. Мухим ва оғир ҳисобланган жиноий ишлар эса ҳарбий судлар томонидан қўрилган. сиёсий бўлмаган ва асосан маҳаллий аҳоли томонидан содир этилган майда жиноятлар шариат қозилари томонидан қўриб чиқилган, бироқ улар рус миллатига ва европаликларга мансуб шахсларнинг жиноий ишларини қўришга ҳуқуқсиз бўлганлар.

1886 йилда қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» га қўра, судлар фаолиятига бир оз ўзгартиришлар киритилди ва туман судлари бекор қилинди. Вилоят прокурори ва унга ёрдамчи муовин, суд терговчиси лавозимлари жорий этилди.

1893 йил 2 июнда Россия империяси Давлат Қенгаши томонидан суд соҳасидаги ислохотлар тизими тасдиқланди. Унга қўра, Тошкент шаҳрида суд палатаси, вилоятларда эса биттадан округ судлари таъсис этилди.

1899 йил 14 майда очилган Тошкент суд палатаси барча судлар устидан назорат ишларини ҳам олиб борарди.

Маҳаллий судлар эса, юқорида таъкидлаганимиздек, сиёсий тусга бўлмаган барча фуқаролик ишларини қўриб чиқиш ҳуқуқига эга эди.

Шаҳарлар ҳамма тарихий даврларда бўлганидек, XIX аср иккинчи ярмида ҳам сиёсий ҳарбий, иқтисодий ва маданий марказлар вазифаларини бажарганлар.

Туркистон генерал губернаторлигига қарашли Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган, Ашхобод йирик шаҳарлардан саналса, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган Чимкент, Туркистон, Хўжанд, Жиззах, Каттакўргон қаби шаҳарлар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлган шаҳарлардан ҳисобланган.

Босқинчиларнинг Ўрта Осиёни мустамлакага айлантириши баробарида Қазалинск, Петро-Александровск, Скобелев, Черняевка қаби шаҳарлар ва аҳоли турар жойлари барпо этилди. Босиб олинган шаҳарларда руслар яшайдиган алоҳида турар-жойлар барпо этилди ва шаҳарлар янги ҳамда эски шаҳарлар қисмларга ажратилди. Эски шаҳар аҳолисининг янги шаҳарлар ҳудудларига ўтишлари матъиян таъқиқлаб қўйилди. Бу ҳам миллий қамситишнинг бир қўриниши эди. Янги шаҳарларда аҳолининг яшашлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Шаҳарларда рус миллатига мансуб фуқароларнинг савдо-сотиқ қилишлари учун қатта имтиёзлар берилди. Аксинча, мусулмон фуқароларининг иқтисодий жихатдан қучайиб қетмасликлари учун турли-туман қоралар қўрилиб турилди.

Туркистон ўлкасида шаҳарлар бошқарувига махсус эътибор XIX асрнинг 70 йилларидан бошлаб қучайди. «Шаҳарлар Низомини қўллаш» бўйича ишлаб чиқилган конун лойиҳаси 1872 йилда Сирдарё вилояти бошқармасида қўриб чиқилди ва 1877 йилдан бошлаб бу Низомни қўллаш ҳақида қарор қилинди. Бу Низом босиб олинган шаҳарлардан

факатгина Тошкент ва Олмаата шаҳарларига нисбатан қўлланилди.

Тошкент ўзининг харбий, стратегик ва иктисодий жихатдан тутган ўрни ва жойлашувига асосан Туркистон ўлкаси шаҳарлари орасида алохида аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳри генерал губернаторликнинг маркази этиб белгиланган эди.

1877 йилда махсус муваккат комиссия тузилиб, Тошкент шаҳри думаси сайловлари учун махсус тартибларни белгилаб чиқди. Бунга кўра, Думага сайловчилар мол-мулкларига асосан уч тоифага ажратилди. Етарли миқдорда мулк бўлмаганлар сайлов ҳукукидан маҳрум этилди.

2400 сайловчи иштирокида бўлиб ўтган сайловда шаҳар Думаси ва бошқармаси сайланди. Бунда рус ноиблари учун учдан икки қисми ўрни ажратилди.

Шаҳар бошқарув фаолиятини назорат қилувчи харбий губернатори бошчилигидаги вилоят идораси тузилди. 1888 йилда император томонидан Тошкент шаҳрини бошқарув иши маъқулланди ва шу билан бирга уни назорат қилиш генерал губернаторга юклатилди. Ички ишлар вазири ҳукуки харбий округ қўмондони зиммасига юклатилди. Дума оксоқоли харбий вазир томонидан тайинланган ва 1877-1907 йилларда бу вазифани ҳоким тўранинг ўзи бажарган. Шаҳар маъмурий полиция тартиблари асосида бошқарилган.

Россия империясининг Туркистондаги аграр сиёсатидан қўзлаган асосий ва бош мақсади ўлкани Россия манфаатлари учун хизмат қилувчи хом-ашё базасига айлантириш ва энг серхосил ерлар жойлашган ҳудудларга рус дехконларини келтириб ўрнаштириш эди. Шунингдек, Россия империяси ер сув муносабатлари Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва унинг имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни қўзда тутган эди.

1886 йилги низомга кўра, рус дехконларинг Ўрта Осиёга кўчиб келишлари учун катта имтиёзлар берилди. Шунингдек, бу низомга кўра, «бўш ётган давлат ерларига» биринчи навбатда харбий хизматдан бўшатишган харбий хизматчиларни қўйиш қўзда тутилди. Империянинг Туркистондаги ер сув масалаларига доир сиёсатида қуйидаги сиёсат амалга оширилди:

1. Туркистонда барча ерлар давлат мулки деб эълон қилинди, ўтроқ маҳаллий аҳолига ер мероси яқка жамоа эканлиги тарикасида, қўчманчи аҳолига эса азалий дехкончилик одатларига риоя этилган ҳолда, муддати чекланмаган ҳолда жамоа бўлиб фойдаланиш учун топширилди;
2. Ўтроқ аҳоли яшайдиган жойларда ер, ундан амалда фойдаланганга бириктириб қўйилди;
3. Дастлаб вакф ерларига солиқ жорий этилган бўлса, кейинроқ бу мулклар бутунлай тугатилиб юборилди;
4. Шаҳар ташқарисида махсус қўчирув фондларидан ташқари рус аҳолисига ер ажратиш таъқиқланди;
5. Европаликлар, хусусан, руслар томонидан маҳаллий аҳоли ерларини сотиб олиш мутлақо таъқиқлаб қўйилди ва бу конун 90-йилларнинг охиригача сақланиб қолди. Булар билан бирга солиқлар ҳам империя манфаатлари нуктаи назаридан қайта қўриб чиқилди ва қучайтириб юборилди. Асосий эътибор пахта етиштиришга қаратилди ва янги ерлар сугориш тармоқларини кенгайтириш қўзда тутилди.

Рус мустамлакачи ҳукумати Туркистонда кишлокларни бошқаришда 1867 йилги «Вактли Низом лойихаси»га амал қилди. Бу идора усули маҳаллий халқлар бошқарув сиёсатида

зид бўлиб, Россиядаги русча идора усулида эди.

Бу Низомга кўра, кўчманчи аҳолига икки боскичли (волость ва овул), ўтрок аҳолига эса бир боскичли (оксоколлар) бошқарув тизими жорий этилди.

Волость асосини мингдан икки минггача хонадон ташкил этса, овул жамоаларини юздан икки юзгача бўлган ўтовлар аҳолиси ташкил этган. Бу билан кўчманчи аҳоли ўртасидаги уругчилик асосидаги бўлиниш барҳам топди. Бу сиёсат ҳокимиятга солиқларни белгилаш ва йигиб олишда ҳам кўл келиб уни такомиллаштиришга ҳаракат килди.

1886 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га кўра ўтрок аҳолининг бир боскичли бошқарув тизими бекор қилинди ва икки боскичга айлантирилиб, оксоколликлар волостьларга бирлаштирилди. Овул жамоалари ва оксоколлар вакиллари йигини барча сайловчилар йигилиши билан алмаштирилди.

Аҳоли сайловлар йўли билан волость ва оксоколликларга мингбошиларни сайларди.

Мингбоши волость бошқарувчиси бўлиб, кишлок, овул оксоқоли томонидан уч йил муддатга сайланган. У ўз фаолиятини рус мустамлакачи маъмурияти тасдигидан ўтгандан сўнггина бошлаган. Аҳолининг «киргизлар ва сартлар» ибораси билан аташ 1886 йилги Низомга кўра «ўтрок ва кўчманчи» тарзида ўзгартирилди.

Волость бошқарувчисини сайловчилар вакилларининг қурултойи сайлаган. Бунда икки номзод кўрсатилиб, иккинчиси унинг муовини бўлган. Бу номзодлар ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланмаса, бекор қилинган ва бошқаси тайинланган ёки ҳарбий губернатор кўрсатган шахс бу вазифага киришган. Шу тарика рус мустамлакачи ҳокимияти кишлоклардаги бошқарув фаолиятини ҳам ўз қўлида мустаҳкам сақлаб турган.

Чор ҳукумати ўлкани ҳарбий куч билан узок муддат сақлаб туриш мумкин эмаслигини яхши англади. Шу боисдан ҳам у Туркистонда ассимиляция, яъни рус миллатига мансуб аҳоли билан маҳаллий аҳолини аралаштириб юбориш сиёсатини тутди. Бу борада империянинг кўчирувчилик сиёсати алоҳида ўрин тутди.

Кўчирувчилик сиёсати Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилган 1867 йилдаёқ бошлаб юборилди.

1869 йилда Ёттисувдаги дехконлар манзилгохлари тўғрисида қоидалар ишлаб чиқди. Бу ҳудудда 1869-1882 йилларда 25 минг кишилик аҳолиси бўлган 29 та рус кишлоги, Сирдарё вилоятида эса 1300 кишилик аҳолиси бўлган 19 та рус кишлоги барпо этилди.

1886 йилиг Низомга кўра, ўлкага рус аҳолисининг кўчиб келишига сиёсий тус берилди ва ҳар бир кўчиб келувчига 10 десятинадан кам бўлмаган ер ажратилиши кўзда тутилди.

Юкорида айтганимиздек, 1875 йилда Авлиёотада илк рус кишлоги барпо этилгандан бошлаб ўтган 15 йил давомида, яъни 1890 йилгача Туркистон ўлкасида 1300 оиладан иборат 19 та рус кишлоги барпо этилган бўлса, Россияда очарчилик юз берган 1891-1892 йилларда Туркистонга кўчиб келувчилар сони кескин ортди ва шу икки йил давомида 25 та рус кишлоги пайдо бўлди. Ўлкадаги рус дехконларининг сони икки баробар ортди.

Шу йилларда Россиядан оч-ялонгоч рус мужикларининг Туркистонга келиб жойлашиши тартибсиз равишда оммавий тус ола бошлади ва ҳокимият томонидан уларга яратиб берилган имконият туфайли маҳаллий дехконларга қарашли бўлган ҳосилдор ерлардан ўз эгалари маҳрум қилинди, бу ерлар эса «бўш ётган давлат ерлари» сифатида келгинди рус дехконларига тақсимлаб берилди.

Ўлкада рус дехконларининг салмоғи бир оз ортгач, рус мустамлакачи маъмурияти уларни қуруллантириш ва зурур бўлган ҳолларда маҳаллий аҳоли норозиликлари, кўзғолонлари, исёнларини бостиришда фойдаланиш сиёсатини амалга ошира бошлади.

Шу мақсадлар 1896 йилда Сирдарё вилоятига қўчиб келган казакларга 123 та милтик ва ўк-дори, 1897 йилда яна 3000 та милтик, Еттисувда 300, Фарғонада 131, Каспийортида 431 милтик ва ўк-дори тақсимлаб берилди. Бу билан Россия қўчирувчилик сиёсати ҳарбий сиёсий мақсадларни қўзлаб амалга оширилганлигини кўрсатди.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, бу ерда ўз манфаатларини ошириш борасида турли сиёсатлар ва тадбирларни амалга ошира бошлади. Мустамлака ҳукуматнинг амалга оширган ишларидан бири Туркистонда темир йўлнинг барпо этилиши бўлди. Туркистонда темир йўл икки асосий мақсадни ҳарбий стратегик ва иқтисодий мақсадларни қўзлаб қурилди.

Ҳарбий стратегик нуктаи назардан олсак, ўлканинг қай бир ерида мустамлакачиликка қарши курашлар юзага келмасин, уни бостириш учун ҳарбий қучларни сафарбар этиш ва етказиб бериш, мустамлака ҳокимиятини сақлаб туришда ҳарбий соҳа имкониятларини кенгайтириш қўзда тутилган.

Кейинги йилларда қўплаб етиштирилаётган хом-ашёлар ва ер ости ва ер усти бойликларини қўплаб миқдорда ва тезроқ Россия ҳудудларига етказиб бориш иқтисодий мақсадларни қўзлаган эди.

Ўрта Осиё темир йўлининг дастлабки излари 1880 йилда Михайлово постидан Муллақоригача бўлган 26 км масофада етказилди. 1881 йил 20 сентябрида Михайловдан Кизил Арвотгача 232 км масофада темир йўлда катновлар бошланди. 1885 йилда Ашхободга, 1886 йилда Марв, Чоржуй ва Амударёгача темир излари етказилди. Темир йўл Самарқанд билан ҳам туташтирилди, 1898 йилда Марв Қўшқа шахобчаси қурилиб, бир йилдан сўнг Фарғона водийси ва Тошкент ҳам темир йўл билан туташтирилди. 1900 йил бошланган Тошкент Оренбург темир йўли 1905 йилда қуриб битказилди ва кейинги йилларда Ўрта Осиёнинг барча асосий нукталари темир излари орқали бирлаштирилди. Бу эса Россия империясига ҳар йили Туркистон ўлкасидан минглаб тонналар миқдорида кимматбаҳо юкларни олиб чиқиб кетиш имкониятини берди.

Ўлкада темир йўлининг туширилиши натижасида бир канча саноат корхоналари ҳам юзага кела бошлади. Бу саноат корхоналарида хом-ашёга дастлабки ишлов бериларди. Биринчи пахта тозалаш заводи 1879 йилда Тошкентда савдогар Назаров томонидан ишга туширилди. 1885 йилда эса Андижонда савдогар Хўжаев томонидан иккинчи пахта тозалаш заводида асос солинди ва шу тариқа бирин кетин турли саноат корхоналари барпо этила бошланди. 1867-1900 йиллар давомида Туркистон ўлкасида 170 корхона ишга туширилди. Уларнинг асосий қисми пахта тозалаш заводлари бўлиб, булардан ташқари ёғ-мой ишлаб чиқариш, чой кадоклаш, арок, вино тайёрловчи корхоналар ҳам барпо этилган эди. Бошқача айтидиган бўлсак, Туркистон ўлкасининг ялпи саноат ишлаб чиқаришининг 80 фоиздан ортиги пахтани қайта ишловчи корхоналар ҳиссасига тўғри келарди.

Бу корхоналарда асосан европалик ишчилар ишлаган бўлсалар, кейинги йилларда маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам катта қийинчиликлар билан ёлланма ишчиларга айлана бошладилар. Бироқ бунда рус ва мусулмон ишчиларига бўлган муносабат бир-биридан кескин фарқ қиларди ва бунда мустамлакачи ҳокимиятнинг шовинистик қарашлари акс этиб турарди.

Шу тариқа Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айлантирилгач, бу ерда жаҳоннинг ҳеч бир давлати қўлламаган мустамлакага идора усули жорий этилди ва бу

идора усули ўлка халқларини узок вақтлар мустамлака сиртмогида тутиб туришни кўзда тутди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети «Ватан тарихи» кафедраси